

Бақара сураси, 212-оят

09:30 / 19.02.2018 2837

Куфр келтирганларга дунё ҳаёти чиройли кўрсатилди ва улар иймон келтирганларни масхара қилурлар. Ҳолбуки, қиёмат куни тақво қилганлар улардан устундир. Аллоҳ хоҳлаган кишисини беҳисоб ризқлантирур. Бақара 212.

Кофирларнинг Аллоҳ йўлига юрмасликларининг сабаби дунё ҳаётининг зийнатидир. Уларнинг бирдан-бир мақсади, фикри-зикри ва орзу-умиди шу беш кунлик дунёнинг ҳой-ҳаваси, зийнатидир.

«Куфр келтирганларга дунё ҳаёти чиройли кўрсатилди...»

Кофирлар ҳаётнинг маъносини шунда деб тушунадилар. Иймонсиз бўлганлари учун ҳайвоний тасаввур ва чегарадан ташқарига чиқа олмайдилар. Мўмин киши учун эса бу дунёнинг зийнати ҳақир ва аҳамиятсиз нарса ҳисобланади. Улар дунё ҳой-ҳавасига ўч бўлишни ўзлари учун ор ҳисоблайдилар.

Шунинг учун ҳам кофирлар иймон келтирганларни масхара қиладилар.

«...ва улар иймон келтирганларни масхара қилурлар».

Улар ҳар нарсани ўз қаричлари билан ўлчаб, мўминларни бу дунё зийнатига ўч бўлмаганлари учун масхара қиладилар.

«Ҳолбуки, қиёмат куни тақво қилганлар улардан устундир. Аллоҳ хоҳлаган кишисини беҳисоб ризқлантирур».

Ҳақиқий ҳаёт – охират ҳаёти келган чоғда эса ҳамма нарса ўз ўрнига тушади. Ўшанда, яъни қиёмат кунда мўминлар, тақво қилганлар кофирлардан устун бўладилар. Ризқ-рўзга келадиган бўлсак, уни Аллоҳ таоло кимга хоҳласа, беҳисоб беради. Ризқ берувчи Унинг Ўзи. Мўминга ҳам, кофирга ҳам бераверади.